



# MILLIY TIKLANISH

9 (441) ● 2017 йил 1 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Давра суҳбати**

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

мазмун-моҳияти ЎзМТДП томонидан кенг тарғиб қилинмоқда

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда унда белгиланган вазифанинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида чуқур таҳлил қилинмоқда ва ўрганилмоқда.



**Фракция ҳаёти**

## ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция фаолиятига оид қатор масалалар, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди. Дастлаб 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, ЎзМТДП фракцияси олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиёт йўлини бел-

гилаб берувчи муҳим ҳужжат сифатида бутун аҳолининг кенг қатлами томонидан мамнуният билан кутиб олиниб, барча ташкилот ва идоралар мазкур стратегия асосида ўз режа ва вазифаларини белгилаб олаётир.

Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга қаратилган биринчи устувор йўналишида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда, давлат бошқаруви ва давлат хизмати ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда парламент, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш масалалари ўз ифодасини топган. Фракция аъзолари ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятида партия дастурий мақсад-вазифалари ва электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этиш лозимлигини таъкидлади. Мазкур муҳим ҳужжатда суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда ташқи сиёсат йўналишида белгиланган устувор мақсад-вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли қонун ижодкорлиги ишлари фракциянинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди.



**Миллий гуруҳ**

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



Ҳар бир халқ ўз спортчиларини яхши кўради, фарзандларини уларга ҳавас руҳида улаёттиради. Давлатимиз байроти остида баҳсларга киришган спортчиларимизнинг валабасини ўз ютуқимиздек қабул қилишимиз, маълумиятидан куюнишимизнинг боиси ҳам шунда. Лекин биз — спорт ихлосмандлари валаба ва мавлублият тушунчалари замирида машаққатли машғулотлар, руҳий кечинмалар борлигига, метин ирода ва ахлоқий сифатлар синовдан ўтишига ҳамisha ҳам эътибор беравермаймиз...

Республика олимпия захиралари теннис мактаби тарбияланувчиси Сетора Нормуродова 2016 йили 14 ёшли қизлар ўртасида Осиёнинг биринчи рақамли теннисчиси деган номга сазовор бўлди. Саккиз ёшдан теннис билан мунтазам шуғулланиб келаётган ёш спортчи энди ўн беш ёшга кирган бўлса-да, теннис бўйича уч карра мамлакатимиз чемпиолигини қўлга киритган.

**Эҳтиром**

## ҚАЛБДА ОТГАН ТОНГ

Жаҳоннинг машҳур адибларидан бири адабиётнинг инсон камолоти ва жамият раҳнақидоғи ўрнига мана бундай баҳо берган эди: "Математика, физика, кимё сингари аниқ фанлар илмнинг улкан намоёндаларини етиштириши мумкин. Лекин ҳақиқий ватанпарварни адабиёт тарбиялайди".

Дарҳақиқат, бошқа илмлар одамнинг ақлу тафаккурини чархласа, адабиёт ақлу тафаккурини ўткирлаштириш баробарида туйғуни ҳам тарбиялайди. Барча замонларда инсоният адабиётга кучли эҳтиёж сезиб келган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бунинг яна бир исботидир. Фармойишда "ҳуудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадий жиҳатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш" масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Зеро, китоб мутолааси ёш авлоднинг ақлини чархлайди, тафаккурига қанот бағишлайди, маънавиятини юксалтиради.

**ЎзМТДП Қорақалповистон Республикаси ташкилотларида**

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида эл-юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичи бошланди. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, сиёсий партия сифатида давлат, жамият ва электорат манфаатларига мос тарзда фаолият олиб бориш, партиянинг барча даражадаги раҳбарлари ва депутатларида шахсий жавобгарлик туйғусини кучайтириш, партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар салоҳиятини янада ошириш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам устувор вазифасидур.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Партияимиз бунда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар олдидаги ваъдаларни бажариш ва партия сайловоди Платформасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, партия сафларида тартиб-интизом, ўз вазифа-ваколатига садоқатли, шахсий жавобгарлик ва масъулиятни зиммасига олишга қодир инсонлар кўлайса, самарали фаолият кўрсатиш ва ишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконияти кенгайди.

**Ушбу сонда:**

**МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ**

ЎзМТДП ташкилотлари ва гуруҳларининг доимий эътиборида



**ЎЗБЕКISTON-БМТ: ТИНЧЛИК, БАҲҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК**



**ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ**







Маҳаллий Кенгашларда

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

ЎЗМТДП ташкилотлари ва гуруҳларининг доимий эътиборида

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари 2017 йилда амалга оширилаётган энг муҳим ва устувор вазифалар юзасидан белгилаб олинган режа ва вазифаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда яна бир бор муҳокама қилмоқда.

Партия Марказий кенгаши ишлаб чиққан чора-тадбирлар режасига мувофиқ, жойлардаги маданий мерос объектларининг бугунги аҳоли ва уларни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бухоро. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидagi ЎЗМТДП гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида партиянинг вилоят, туман ва

ларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолтириш мақсади билан чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш билан бирга бойитиш ҳамда уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгилангани тасдиқланди.

— Юртимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда партиянинг вакиллари ҳам фаол иштирок этишга интилоқда.



шаҳар кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, мутахассислар, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этиди.

Йиғилишда партия сэйловдди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳар-

ларни янада кенгайтиришга кўмаклашиш, бу борада кўзга ташланаётган масалаларни ўз вақтида ўрганиш ва ҳал этиш бўйича аниқ тақлифлар тайёрлаш бу йилги фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Йиғилишда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб

чиқариш бош бошқармасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро инспекцияси бўлим бошлиғи Ҳамид Эргашев сўзга чиқиб, маданий мерос объектларининг паспортларини тайёрлаш, уларни инвентаризациядан ўтказиш, сақлаш, таъмирлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги долзарб масалаларни ўртага ташлади.

— Мутахассислар иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

— Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида олдимизда бир қатор муҳим вазифалар турибди.

итиш ва амалдаги соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқишни режалаштиряпмиз.

Хоразм. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидagi ЎЗМТДП гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш, бундай объектларни қайта тиклаш ва уларнинг имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш масаласи атрофида муҳокама этилди.

Йиғилишда партия вилоят кенгаши девони раҳбари Гофиржон Юсупов мамлакатимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини асраш, улардан туризм соҳасида самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари ҳақида сўз юритди.

— Масалани ўрганиш жараёнида ҳудудда жойлашган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, фойдаланиш, уларнинг сони ва жойлашган ўрни, белгиланган тартибда давлат қадастрига киритилгани, ушбу объектларнинг паспортлари, муҳо-

фаза қилиш чегаралари белгилангани билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш кўзда тутилган.

Йиғилишда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашидagi партия гуруҳи қошида маданий мерос объектларининг бугунги аҳоли ва уларни муҳофаза қилиш ишларининг ҳолатини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди.

лари, соҳа мутахассислари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг маъсул вакиллари билан иборат таркибда ишчи гуруҳлар тузиш бўйича қарор қабул қилинди.

Гавҳаржон ДУРДИЕВА, ЎЗРФА Хоразм Маъълум акадeмияси илмий ишлар бўйича раис ўринбосари:

— Маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва янада бойитиш борасидаги кенг қамровли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз бой тарих ва юксак туристик салоҳиятга эга.

Муслима РЎЗИЕВА, ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котибиди, Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунчиликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни либераллаштиришнинг устувор вазифаси саналади.

Қарор, энг аввало, қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини комплекс тартибга солиш, шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар жараёнида аҳолининг ижтимоий фаол қатлами, жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотта бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қарорда вазирлик, давлат кўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида

етказишни таъминлаш вазифаси белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш тегишли қонун ҳужжатлари матниндан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имконини яратди.

Давлат ва хўжалик бошқарув органларига ўз таркибий ва ҳудудий бўлинимларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилишини доимий назоратга олиш маъсулиятининг юқланиши қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгаришларни ўз вақтида ва оғинмай амалиётга жорий этиш имконини беради.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАН БОҲАБАРЛИК

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

иштирокчиси бўлган биз, депутатлардан ўз фаолиятимизни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Амалдаги тартибга мувофиқ, қонуналар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботи асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари асосидагина олиб борилар эди.

чора-тадбирлари тўғрисида" қарорда қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини амалиётга жорий этиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар ҳам асос этган.

Бугун ҳуқуқий таълим тизимидаги саводхонлик давр талабига жавоб бермаётгани — ҳақиқат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сэйловдди Платформасида кўзда тутилган аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш вазифасини амалга оширишда "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори муҳим ўрин тутади.

либ чиқиб мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганишни ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўришимиз, ҳуқуқий таълим самарадорлигини мунтазам ўрганиб бориш, миллий қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияси, унинг мазмун-моҳиятини етарлича ва ўз вақтида аҳолига тушунтириш ишларида фаол иштирок этишимиз зарур.

Мухтабар ҲУСАНОВА, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси







